

ISSN: 2181-4066

DOI Journal 10.56017/2181-4066

JOPAPS




JOURNAL OF PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

Volume 1, Issue 5

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ



ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, 5-СОҢ

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-5

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-5

ТОШКЕНТ - 2023

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

№ 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2023-5>

Бош муҳаррир:

Нишонова З. – психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Давлатов О. Ғ. – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Таҳририят аъзолари:

Абдужаббарова М. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Абдурахимов Қ. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Акмалов А. – педагогика фанлари номзоди, доценти
Акрамова Ш. – педагогика фанлари доктори, профессор
Алиев М. – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Джураев Д. – педагогика фанлари доктори
Душанов Р. – психология фанлари номзоди, доценти
Негматовна Г. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Разакова Р. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тўйчиева С. – психология фанлари номзоди, доцент

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

Педагогика фанлари

ИБРАГИМОВ Абдумалик Гаппарович

*Абдулла Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти бўлим мудири
и.ф.н., доцент*

МУРАДОВ Икром Турдибоевич

*Абдулла Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти
катта илмий ходими
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7953081>*

МАКТАБ СИНФЛАРДАГИ ҲОЛАТ ТАЪЛИМ СИФАТИГА ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДАМИ?

АННОТАЦИЯ

Ўқувчиларнинг ёши, қизиқиши, эришган натижалари, идрок этиши, оилавий келиб чиқиши каби индивидуал хусусиятлар таълим сифатини идрок этишда муҳим омил ҳисобланади. Баъзи фикрларга кўра, синфдаги ўқувчилар сони синф жараёнига, ўқув фаолиятига, ўқувчиларнинг фаоллигига ва натижада ўқувчиларнинг ўрганишига таъсир қилади.

Калит сўзлар: таълим, педагог, ўқувчи, синф, эҳтиёж, сўровнома натижалари ва таҳлили.

ИБРАГИМОВ Абдумалик Гаппарович

*Заведующий отделом Национального исследовательского
института Абдуллы Авлани доцент*

МУРАДОВ Икром Турдибоевич

*Национальный исследовательский институт Абдуллы Авлани
старший научный сотрудник*

ВЛИЯЕТ ЛИ СОСТОЯНИЕ ШКОЛЬНЫХ КЛАССОВ НА КАЧЕСТВО ОБРАЗОВАНИЯ?

АННОТАЦИЯ

Индивидуальные характеристики учащихся, такие как возраст, интересы, достижения, восприятие, семейное положение, являются важными факторами в восприятии качества образования. По некоторым мнениям, количество учащихся в классе влияет на учебный процесс, учебную деятельность, вовлеченность учащихся и, как следствие, на обучение учащихся.

Ключевые слова: образование, педагог, категория, правовая основа, потребность, результаты опроса и анализа.

IBRAGIMOV Abdumalik Gapparovich
*Head of the Department of the National Research
 Institute Abdullah Avloni Associate Professor*

MURADOV Ikrom Turdubayevich
*Abdullah Avloni National Research Institute
 senior researcher*

IS THE CONDITION IN SCHOOL CLASSROOMS AFFECTING THE QUALITY OF EDUCATION?

ANNOTATION

Individual characteristics of students such as age, interest, achievement, perception, family background are important factors in the perception of the quality of education. According to some opinions, the number of students in a class affects the classroom process, learning activities, student engagement and, as a result, student learning.

Key words: education, teacher, student, classroom, need, survey results and analysis.

Ўқувчиларнинг ёши, қизиқиши, эришган натижалари, идрок этиши, оилавий келиб чиқиши ва даромади каби индивидуал хусусиятлар таълим сифатини идрок этишда муҳим омил ҳисобланади [1].

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, синфдаги ўқувчилар сони синф жараёнига, ўқув фаолиятига, ўқувчиларнинг фаоллигига ва натижада ўқувчиларнинг ўрганишига таъсир қилади.

Умуман олганда, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўқувчилар кам бўлган синфлардаги ўқувчилар кўп ўқувчилари бўлган синфлардаги тенгдошларига қараганда барча фанлар ва барча баҳолашлар бўйича яхшироқ натижаларга эришадилар. Ўқувчилар кам бўлган синфларда ўқувчилар мазмунан билим бўйича бир ойдан икки ойгача олдинда бўлишади ва улар баҳолашда юқори баҳо олишади. Агар синфда 20 нафардан кам ўқувчи бўлса, кўпинча индивидуал эътибор, фаолликни ошириш ва ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги алоқани яхшилашга олиб келади. Тадқиқотчилар фикрига кўра ўқитувчилар синфда камроқ ўқувчилар билан ишлаганда интизомий муаммолар, камроқ узилишлар рўй бериши, индивидуаллаштирилган кўрсатмалар ва топшириқларнинг бажарилишида кўпроқ самарадорликка эришилишини аниқладилар.

Хўш мамлакатимизда ушбу кўрсаткич қанчани ташкил этади экан?


2022 йилда А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти “Таълим менежменти ва статистикаси” илмий-тадқиқот бўлими томонидан Жиззах ва Сирдарё вилоятларида “*Сиз таҳсил бераётган синфда неча нафар ўқувчилар таълим олмоқда?*” – номли сўровнома ташкил қилинди. Ушбу сўровномада 11 900 нафар фойдаланувчи савол билан яқиндан танишиб, улардан 3 420 нафари бевосита овоз бериш жараёнида иштирок этишган [4].

Марҳамат натижалар билан танишишингиз мумкин.

Сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, Республикадаги мактабларнинг асосий қисмида 1 та синфда 20 нафардан 35 нафаргача ўқувчи таҳсил олади. Умумий ҳолатда сўровнома иштирокчиларининг 79 фоизи бундан тасдиқламоқда. Хусусан, 36 нафардан 40 нафаргача, ҳатто 40 нафардан ҳам ортиқ ўқувчи таҳсил олаётган синфлар ҳам мавжуд экан. Иштирокчиларнинг 10 фоизи бундай синфларнинг мавжуд эканлигини таъкидлашган. Умуман олганда бу 10 % яъни 2790 та овоз ҳам катта кўрсаткич ҳисобланади. Бу эса Жиззах ва Сирдарё вилоятларида аҳоли сони(ўқувчилар сони)нинг жорий ҳолатини, шунингдек, ўсиш жараёнини ўрганиш, прогноз қилиш орқали мактаблар сифатини ошириш ёки янги мактаблар ташкил этишга зарурат мавжудлигини кўрсатади.



Бундан ташқари “*Битта синфда неча нафар ўқувчининг таълим олишини хоҳлар эдингиз?*” – номли сўровнома ҳам тайёрланди. Унда 7 420 нафар фойдаланувчи савол билан яқиндан танишиб, улардан 2 490 нафари бевосита овоз бериш жараёнида иштирок этишган. Натижалар эса куйидагича:



Навбатдаги сўровноманинг 76 фоиз иштирокчилари 1 та синфда 15 нафардан 25 нафаргача ўқувчининг таҳсил олишини маъқул вариант сифатида танлашган. Демак, ўқитувчилар учун синфда ўқувчилар сонининг 25 нафардан ошмаслиги маъқул ва бу ҳолат ўқитувчиларни ортиқча юкламадан озод қилади, сифатли таълим бериш учун қулай шароит яратади.

Юқоридаги сўровномаларнинг узвий давоми сифатида “*Сизнингча таълим сифатининг юқори бўлиши ўқувчилар сонига боғлиқми?*” – номли сўровнома ташкил қилинди. Унда 7 380 нафар фойдаланувчи ушбу савол билан яқиндан танишиб, улардан 1020 нафари бевосита овоз бериш жараёнида иштирок этишган.

1-жавоб. Ҳа, ўқувчилар сони қанча кам бўлса, уларга билим бериш шунча яхши бўлади;

2-жавоб. Йўқ, ўқитувчилар томонидан сифатли таълим берилса, ўқувчилар сонининг кўплиги ҳам халакит бермайди;

3-жавоб. Эшитишимча бундан 40-50 йиллар олдин синфда ўқувчилар сони кўп бўлса ҳам сифатли таълим берилган экан;

4-жавоб. Таълим сифатининг юқори бўлиши ўқувчилар сонига умуман боғлиқ эмас эканлиги аниқланган.



Сўровноманинг охиригى саволига 77 фоиз иштирокчилар ўқувчилар сони қанча кам бўлса, уларга билим бериш шунча яхши бўлади, ўқувчилар сонининг камлиги таълимнинг сифатига ижобий таъсир қилади деган фикрда.

Сўровнома иштирокчилари ҳам бу муаммо эканлигини тасдиқлашди ва синфда ўқувчилар сонининг 25 нафардан кўплиги таълим сифатининг ёмонлашишига сабаб бўлишини таъкидлашди. Демак, синфда ўқувчилар сонини максимал 25 нафардан оширмаслик мақсадга мувофиқ экан.

Яна бир савол нега биз уй-жойларни кенг миқёсда қурмоқдамиз-у, лекин умумтаълим мактаблари қуришга келганда оқсаяпмиз. Айрим синфларнинг тўлиб кетишига марказдаги туман ва шаҳарларга малакали педагог кадрларнинг кетиб қолиши, шунингдек, кўплаб ота-оналар фарзандларини рус тилида ўқитиладиган мактабларга бериш истаги кучайиб бораётганлиги сабаб бўлмоқда. Баъзи умумтаълим мактабларида таълим рус тилида олиб борилади. Ушбу мактабларда ўқувчилар қабули чегарадан ошиб кетиш ҳолатлари кузатишмоқда. Бунинг ҳам бир қанча сабаблари бор:

Биринчидан, ота-оналарнинг болани ушбу мактабга, маълум бир ўқитувчига бериш истаги билан изоҳланади. Шу билан бирга, улар синфлар тўлиб-тошганлиги ҳақидаги изоҳларни тинглашни ҳам хоҳламайдилар.

Иккинчидан, мактабларда ўқув хоналарининг етишмаслигидадир. Ушбу муаммони ҳал қилиш қўшимча биноларни қуриш орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари таълим сифатини янада ошириш мақсадида синфдаги ўқувчиларни она тили ва адабиёти, математика, кимё, физика фанларида гуруҳларга бўлиб дарс ўтилса, ўйлаймизки натижа сезиларли даражада яхшиланади деган фикрдамиз.

IQTIBOSLAR/СНОСКИ/REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон қарори.
4. <https://t.me/avloniyuz>

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, 5-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-5

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-5

«Педагогик ва психологик тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz